УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Э.Сулетбаева – *катта ўқитувчи*
Қорақалпоғистон Республикаси ХТХҚТМОИ

Таянч сўзлар: амалиётчи психолог, психологик хизмат, психик ривожланиш, психологик диагностика, коррекция, психологик профилактика, психологик маслаҳат, ўқувчи, ота-оналар, ўқитувчи.
Ключевые слова: практический психолог, психологическая деятельность, умственное развитие, психологическая диагностика, коррекция, психологическая профилактика, психологическая консультация, ученик, родители, учитель.
Key words: practical psychologist, psychological activity, mental development, psychological diagnosis, correction, psychological prevention, psychological counseling, pupil, parents, teacher.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг муваффақиятли амалга оширилиши, ҳозирги даврда мактабларда вужудга келган педагогик ва психологик муаммоларнинг ўз вақтида баҳоланиши ҳамда ҳал этилиши билан бевосита боғлиқ. Таълим тизимида психологик хизмат яқин 100 йиллик тарихга эга бўлиб, аввало Европа мамлакатлари, хусусан Францияда юзага келганки, унинг пайдо бўлишига сабаб XX аср бошларида мактабда қобилиятли болаларни танлаш, уларни саралаш эхтиёжи туғилган. Шу борада машхур психологлар Бине ва Симоннинг ақлий тестлари яратилган. Бир неча йиллар давомида мактабда психологик хизмат шу тарзда болаларни селекция қилиш вазифасини бажаради, деб ҳисобланилган. XX аср ўрталарида психологларнинг психик ривожланишга маданий-тарихий нуқтаи-назардан қарашлари юзага келиб, бу назария доирасида бола психик ривожланишининг, психик соғломликнинг асосий омили - ривожланишнинг ижтимоий ситуациясининг мавжудлиги деб қаралган (Л.С.Выготский) [1].

Бугунги кунда мактабларда амалиётчи психолог мутахассислигининг зарурий эҳтиёж сифатида киритилиши таълим тизимида қўйилган энг муҳим қадамлардан бири, дейиш мумкин. Шу боис бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалардан бири керакли методик қўлланмалар, тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалий методикаларни яратишдан иборатдир. Айниқса, психологик хизматнинг асосий йўналишлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш ҳар бир амалиётчи психолог учун зарур. Таълим тизимида фаолият юритадиган психологнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат [2]:

- ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар учун психологик маслаҳат ишларини олиб бориш;
- ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш;
- характерида турлича оғишлари мавжуд ўқувчилар билан психокоррекцион ишларни ўтказиш;
- педагогик жамоа ўқитувчиларнинг психологик саводхонлигини ошириш фаолиятини уюштириш;
- тарбияси қийин болалар ва ўсмирларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш;
- дарсларни суст ўзлаштирадиган ўқувчилар билан ишлашга оид аниқ психологик-педагогик тавсиялар, кўрсатмалар ишлаб чиқиш;
- иқтидорли ўқувчиларни танлаб, уларнинг қизиқишларига қараб индивидуал иш олиб бориш;
- ўқув масканида психологик муҳитни ўрганиш ва уни барқарорлаштириш;
- ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасида шахслараро муносабатларни тадқиқ этиш;
- ўқитувчининг шахсини ва педагогик қобилиятини текшириш;
- ўқувчилар шахсини ўрганишга оид ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш.

Мактаб психологи унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун махсус жиҳозланган хонага эга бўлиши ва уни керакли материаллар оддий методикалар, сўров варақалари, расмлар, тестлар, топшириқлар, тренинглар билан таъминлаш. Мактаб психологи ўқитувчиларга “Оила психологияси” ва “Одобнома” фанлари бўйича муайян маслаҳатлар беради (психологик тестлар тавсия қилади, оилавий низоли вазиятлар ва уларни ечиш йўллари, оилада шахслараро муносабатлар хусусиятларидан кўрсатмалар) [3].

Педагог ходим билан мактаб психологи ўртасидаги ўзаро ва ўқувчилараро муносабат касбий-аҳлоқий асосга, психологик одоб, назокатга риоя қилиб, илтифотлилик, талабчанлик, сезгирлик, ростгуйлик, ўзаро ёрдам, диний эътиқодларни ҳурмат қилиш каби сифатлар мажмуаси намунасини намойиш этиш негизида қурилиши даркор.

Амалиётчи психологлар иш тажрибасини таҳлил қилиб, биз психологик хизмат доирасида алоҳида диагностик иш, алоҳида коррекцион иш ҳақида гапириш мумкин эмас деган хулосага келдик. Психологик хизматда диагностик-ривожланувчи йўналишлар ишнинг ягона йўналишларидир. Д.Б.Эльконининнинг таъкидлашича, болаларни танлаш учун, аниқланган четлашишларни тузатиш мақсадида психик тараққиётни назорат қилишга йўналтирилган махсус диагностика зарур. Унинг таъкидлашича, тараққиётда бўлиши мумкин бўлган четлашишларни эртароқ тузатиш учун психик тараққиётни назорат қилиш зарур. Амалиётчи психолог фақатгина диагноз қўйиш билан чекланмасдан, кейинги ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш билан чекланмасдан, ўзи берган тавсияларнинг бажарилишини назорат қилади, коррекцион ва ривожлантирувчи ишларни ўзи ҳам олиб беради. Амалиётчи психологнинг диагностик - коррекцион иши мураккаб фаолият турларидан бири бўлиб, махсус пситхологик тайёргарликни талаб қилади. Амалиётчи психологнинг диагностик-коррекцион фаолияти мураккаб, жавобгарликни талаб қилиши билан бирга, кам ишлагандир. Бу жараён биринчи бўлиб, тарбияси қийин ва нормал болаларни ўрганишга бағишланган педагогик тадқикотларда Л.С.Выготский томонидан қўлланган. Бу схема бўйича И.Шванцара шахс тараққиётини диагностика қилишнинг босқичли экспериментал-психологик нуқтаи назарини таклиф этади [1].

Машҳур америкалик психолог К.Роджерс психология фани ва амалиётига киритган психологик иш тўғри ҳисобланади. Унинг фикрича, «тарбияси қийин» бола билан ишлаш учун, расмий талабнинг мазмуни қийинчиликлар сабабларини тушунишга тенг, лекин бу муҳим аҳамиятга эга эмас. Бола шахсини ривожлантирадиган шундай шароит яратиш керакки, бу шароит уни хулқ-атворнинг салбий шаклларидан воз кечишга ва янги ижобий шаклларини яратишга мажбур қилсин.

Психопрофилактик ишларининг усулларидан бири педагогик психологик консилиумни ташкил этишдир. Ю.К.Бабанскийнинг таъкидлашича, ўқувчиларни ўрганишни яхши йўлга қўйиш учун, тўлиқ ёзма тавсифномалар ёзишдан кўра синф ўқитувчиларининг ўқувчилар ҳақидаги фикрларини бўлиб муҳокама қилиш, синфга ва ўқувчиларга индивидуал ёндашув чораларини жамоада ишлаб чиқиш яхши натижалар беради. Бундай жамоа бўлиб, муҳокама қилишларни шартли равишда педагогик–психологик консилиум деб аталади. Психологик–педагогик консилиум ўқишда

орқада қолиш сабабларини ёки хулқ-атвордаги камчилик натижаларини муҳокама қилишга йўналтирилган бўлади [4].

Психологик маслаҳатлар бериш мактаб психологик хизматининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Маслаҳатлар асосан ўқитувчиларга ўқувчиларга ҳамда ота-оналарга берилиб, одатда индивидуал ёки оммавий шаклда бўлиши мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ўқитувчилар кўп ҳолларда психологга ўқувчиларда баъзи бир фанлардан ўзаштириш қийин кечаётганлиги, ўқишга қизиқишнинг йўқлиги, ўқувчилар билан низоли муносабатнинг мавжудлиги, ўзининг педагогик таъсир усуллари самара бермаётганлиги, синфда аҳил муносабатлар ҳосил қилиш учун йўл-йўриқлар зарурлиги ва ҳоказолар юзасидан ёрдам сўраб мурожаат қилишади [5]. Ота-оналар эса кўпроқ болани мактабга қандай тайёрлаш кераклиги, унда қизиқишнинг йўқлиги, ўқишга ҳоқишнинг йўқлиги, хотирасининг ёмонлиги жуда тартибсиз бўлиб бораётганлиги, дангасалиги, катталар билан муносабати ёмонлашиб бораётганлиги ва ҳоказолар билан мурожаат қилиб ёрдам сўрашади.

Психологик маслаҳат бериш жараёнида энг муҳим нарса мавжуд муаммони мурожаат қилган инсоннинг ўзи ҳал қилишига имкон яратиб беришдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпгина тажрибасиз мактаб психологлари муаммо билан келган кишига ундай қилиш керак, бундай қилиш керак деган мазмунда маслаҳат беришга киришиб кетади. Натижада ушбу жараёнда қатнашувчи иккала томон ҳам ўзларида қандайдир қониқиш ҳиссини сезмайдилар. Бунга сабаб, мавжуд муаммонинг моҳиятини англаш ва уни ҳал қилишда фаоллик фақат мактаб психологи томонидан бўлиб, қатнашувчи шахс эса суст позицияга ўтиб қолганлигидир. Мактаб психологи асосий эътиборини муаммоли кишининг ушбу ҳолатда иложи борича фаоллигини кучайтиришга қаратиши лозим.

Шу ҳолатларни эътиборга олган холда республикамизда таълимда психологик хизматни ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида таълимда психологик хизмат низомларини кайта кўриб чиқиш, психологлар сони ва кадрлар тайёрлаш, кайта тайёрлаш сифатини ошириш,психологик хизматнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, регионал марказ ва бошка бошкарув органлари тасарруфида илмий текшириш институтлари, илмий лабораториялар доирасида илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш каби вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Адизова Т.М. Психокоррекция. Учебное пособие. - Т.: 2006.
2. Адизова Т.М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностика ва коррекция ишлари. Услубий қўлланма. - ТДПИ, 1997.
3. Давлетшин М.Г. Психологияда шахсни ўрганиш истиқболлари. - "Халқ таълими" журнали, 2001, 3-5 сонлар.
4. Матмуратова Н.Б. Ўсмир ва ўспиринлик ёши давридаги эгоцентризм ва коррекция ишлари. Услубий қўлланма.- Т.: ТДПУ, 2006.
5. Тўлаганова Г. Тарбияси қийин болалар психологияси. - Т.: "Университет", 2005.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ҳозирги даврда мактабларда вужудга келган педагогик ва психологик муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, баҳолашда ҳамда ҳал этишда мактаб психологининг ўрни, шунингдек, психологнинг асосий вазифалари бўлган психологик маслаҳат, диагностика, коррекция ва психопрофилактика ишлари ҳақида маълумотлар келтирилган

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о роли школьного психолога в своевременном определении, оценивании и решении педагогических и психологических проблем в современной школе, а также приводятся сведения об основных задачах психолога, которыми являются психологическая консультация, диагностика, коррекция и психопрофилактика.

SUMMARY

The article contains information about the role of the school psychologist in the definition, assessment and decision of pedagogical and psychological problems in time in the modern school and there are shown the main tasks of the psychologist: the psychological counseling, , diagnosis, correction and prevention.

ОҚЫЎШЫ ЖАСЛАРДЫ КӘСИПКЕ ДУРЫС БАҒДАРЛАЎДЫҢ БУГИНГИ КҮНДЕГИ ӘҲМИЙЕТИ

Т.Т.Утебаев - *педагогика илимлериниң докторы*

Ҳ.М.Қдырбаева - *излениўши*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: касб, таълим, мотив, ўрта таълим мактаблари, ўқитувчилар, мотивация, муоммолар, ўқувчилар, касбга йўналтириш, касбий қийнчиликлар.

Ключевые слова: профессия, образование, мотив, общеобразовательные школы, преподаватели, мотивация, ученики, проблема, направление к профессии, трудности профессии.

Key words: profession, education, motif, secondary schools, teachers,motivation, problem, pupils, direction to the profession difficulties of the profession.

Оқыўшы жасларды дурыс кәсипке бағдарлаў әзелден тәлим-тәрбия процесинде үлкен мәселе болып киятыр. Бүгинги күнде де жаслардың белгили маман қәниге болып жетилисиўи ямаса жаслар арасында кәсипти дурыс таңлай алмаўы, оның ақыбетлери, жумыссызлар санының артып барыўы, оның себеби дүнья жүзилик машқала саналып атырғанлығын қәниге алымлар тәкирарлап өтеди.

Өзбекстан Республикасы Президенти Ш.Мирзиёев «Жасларымызды еркин пикирлейтуғын, жоқары интеллектуал ҳәм мәнаўий потенциалға ийе болып, дүнья жүзинде өз теңлеслери арасында ҳәр бир тараў бойынша бос келмейтуғын инсанлар болып камал табыўына, бахытлы болыўы ушын мәмлекетимиз ҳәм жәмийетимиздиң бар күш ҳәм имканиятларын жаратып беремиз» деп атап көрсеткен еди [1].

Инсанның басқа тири жанзатлардан тийкарғы парқы - оның жәмийеттеги орны. Жәмийеттеги тутқан орнын оның билими ҳәм саналы ҳәрекетлери курайды. Саналы билип исленген ҳәрекет-хызмет делинеди. Инсан жер үсти ҳәм жер асты байлықларын үйрениўге тырысады. Оның ушын терең билимге ийе болады. Адам қаншелли билимли болса, соншелли шахс сыпатында қәлиплесип барады. Инсан бул билимлерди объектив дүнья-китап, педагог, журнал ҳәм басқа мағлыўматлардан алады. Соң ийелеген билимлерин ойқыялларында сәўлелендирип, әмелиятта қолланып барыў нәтийжесинде билимлер тиришилик тәризине айланып, мәнаўияты артып барады [2].

Соның менен бирге келешек әўладты белгили кәсиптиң маманы етип тәрбиялаўда педагоглар ҳәм ата-аналардың орны үлкен. Баланы жаслайынан мийнет тәрбиясы арқалы келешектеги ийелейтуғын кәсибиниң жетик маманы етип қәлиплестириўдиң тийка-